

МУНДАРИЖА

	Бет
КИРИШ	4
1. МАВЗУНИ АСОСЛАШ	7
2. УМУМИЙ ҚИСМ	9
2.1. Сеялкаларга қўйиладиган агротехника талаблари.....	13
2.2. Уруғлик чигитларнинг физик-механик хусусиятлари.....	15
2.3. Экиш машиналарининг уруғ яшиклари ва банкалари.....	17
2.4. Ғалтакли экиш аппаратлари	18
2.5. Тукли чигит экиш аппаратлари	22
3. ХИСОБЛАШ ТАШКИЛИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҚИСМИ	26
4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ	30
4.1. Мослаштирилган сеялка билан майда уруғли экинларэкиш технологияси.....	30
4.2. Мослаштирилган сеялкани тузилиши ишлаши	31
5. ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ХИСОБЛАШ	39
6. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ	44
6.1. Мехнат муҳофазаси	44
6.2. Фуқаролар химояси.....	46
7. ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ	50
8. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	53
9. ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	54
10. ИЛОВА	55

РЕФЕРАТ

Битирув ишининг тушунтирув ёзув қисми 55 бет график қисми 7-та чизмадан иборатдир.

Битирув малакавий ишда қишлоқ хўжалик экинларини экишда ишлатиладиган сеялкани майда уруғли экинларни экишга мослаштирилган.

Бунинг натижасида бу турдаги экинларни экишда мавжуд механизация воситаларида фойдаланиб кўп меҳнатини камайтиришга эришиш учун ҳаракат қилинган.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, меҳнат муҳофазаси, фуқаролар ҳимояси, экология бўлимлари бўйича таклифлар ва тавсиялар, умумий ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

КИРИШ

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили» китобида такидлаб ўтганидек: - «Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жахон амалиёти ва жахон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишларни хар жихатдан рағбарлантирамиз».

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш жараёнларини бажаришда кўл меҳнатини камайтириш.

Техникадан унумли фойдаланиш, олинаётган махсулотнинг таннархини арзонлаштириш ва сифатни яхшилаш муомолари кўндаланг бўлиб турибди.

Бунинг асосий сабаблари қишлоқ хўжалигини барча фермер хўжаликларини.

Машина-трактор паркларидаги мавжуд техникаларнинг ишга яроқлилиги ҳозирги кун талабига жавоб бермаслиги ва уларни маънавий эскирганлигида.

Ҳар йили фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажиратилмоқда. Факат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик махсулотларининг энг мухим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта таёрлашга -800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тарикасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг энг йирик тармоқларидан бири бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётига халқнинг фаровонлигини юксалтиришида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасидаги иқтисодий ислохатлар жараёни қишлоқ хўжалиги ширкатларининг шакллантириб бормоқда.

Буларни мақсади, тупроқ унумдорлигини оширишга, ердан оқилона фойдаланишга ва уни муҳофаза қилишга, селекция ва уруғчиликни яхшилашга рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, аҳолини озиқ-овқат, саноатни хом-ашёга бўлган талабини қондиришга қаратилган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарадорлигини фақат қишлоқ жойларда яшайдиган ўртача 60% аҳолини турмуш даражасигагина боғлиқ бўлмай, балки бутун мамлакат аҳолисини фаровонлигига боғлиқдир.

Қишлоқ деҳқонларнинг ўз меҳнатлари ва бутун қишлоқ корхонаси фаолиятининг пировард натижалари манфаатдорлиги оширилди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, паррандалар ва қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи агротехника қоидалари жорий этиб берилмоқда.

Мамлакатимизда пахтачилик, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги тушумини ривожлантиришнинг маҳаллий навларини тўғри танлаш ва жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича барча хайдаладиган ерларни сифатини баҳолаш ишлаб чиқилди.

Деҳқончилик тарихида ўсимликни барчаси бир ерда узок муддат давомида ўстирилаверса, бориб-бориб тупроқни чанг ҳолатига айланишга ва охири зичланиб қотиб қолишига олиб келади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида, алмашлаб экишнинг қуйидаги схемалари мақсадга мувофиқ деб топилмоқда.

Пахтачиликда, пахта-бошоқли дон, шоличиликда, шоли-бошоқли дон.

Сабзавотчиликда, сабзавот полиз экинлари, картошка, беда-бошоқли дон экинлари. Экиш жорий қилинмоқда.

Алмашлаб экишнинг бу схемаларида беда учун камида 10...11% майдон ажратилиши, кўзда тутилган.

Фағона водиси дехқончилигида асосан пахта, уруғчиликда дон, товар учун дон, сабзавот мева ва узум етиштиришнинг мукамал агротехникаси такомиллаштирилмоқда.

1. МАВЗУНИ АСОСЛАШ

Хозирги пайтда пиёз етиштириш ҳалқнинг озиқ овқат маҳсулотига талабини қондиришга қаратилгандир.

Бизнинг ширкат хўжалигимизда бошқа экинлар билан бир қаторда мева сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилади.

Бу йилги режа бўйича пиёз уруғини ва тонна маҳсулот етиштириб олиш мақсад қилиб олинган.

Пиёз экиш учун мавжуд техникадан фойдаланиш пиёз таннарини юқори бўлишига олиб келади.

Чунки пиёз агротехникасига кўра, пиёз уруғи экиш учун аввал пушта очилиб сўнг экиш машинаси билан экилади.

Бу усулда экишда очгич машинаси ва экиш машинаси дақадан кетма-кет ўтади.

Бундан ташқари мавжуд пиёз уруғи экувчи сеялкалар (СОН-2,8, СОН-3,6) белгиланган меъёردа уруғ сепа олмайди.

Бу камчиликларни бартараф, қилиш учун биз буни экиш учун бир пайтда пушта очиб, экиб кетиш учун чигит сеялкасини мослаштиришни таклиф қилдик.

Чорва экинларини етиштиришни жадвал технология асосида ташкил қилиш, ердан сув, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, қишлоқ хўжалик техникасидан оқилона фойдаланиш зарур.

Ҳар бир хўжалик ҳеч бўлмаганда ўз территориясида яшовчиларни чорвачилик маҳсулотлари билан арзон нархда таъминлаши мумкин, бунинг учун мустаҳкам озуқа манбаини яратиш керак.

Хўжаликда бошқа тармоқлар билан биргаликда чорвачилик ҳам мавжуд бўлиб, чорва озуқаси шу ерда етиштирилади, ортиғи сотилади.

Чорва озуқабоп экинларни асосий турларидан бири бўлган беда ва маккажўхори етиштиришда уларни экиш жараёнини

механизациялаштиришдаги камчиликларни ўрганган ҳолда бу камчиликларни бартараф қилиш учун қуйидаги таклифларни асосладим.

Чигит сеялкасини маккажўхори экиш, учун қўлланиладиган вариантга дон, ўт уруғлари қутиси ва бир ўтишда иккала экин уруғини эка оладиган қилиб мослаштиришни асосладим.

Бундан ташқари бу сеялкани ўт уруғлари экиш қисмида пиёз уруғини пуштага сешиб маълум чуқурликка қаторлаб экиб кетиш мумкин.

Беда уруғидан ташқари майда уруғли ем-хашак ўсимликлари уруғларини ва мослаштирилган сеялкада экиш мумкин, сеялкани технологик иш жараёни технологик иш жараёни жадвалда кўрсатилган.

2. УМУМИЙ ҚИСМ

Майда уруғли экинлар етиштириш бўйича мавжуд агротехник тадбирлари қўлланиладиган машиналар.

Майда уруғли экин турларидан бири беда ўсимлигидир, беданинг 20 хил турли кўп йиллик кўринишда экилади.

Кўп йиллик кўринишдаги беда бақуват илдиз системасига эга бўлиб у 5-7м гача етади.

Беданинг пояси эса 70-150 см баландликгача етади, беда уруғи майда бўлиб 1000 дона уруғнинг оғирлиги 3 грамм атрофидадир. Беда уруғи +2,+6⁰С да ривожланиб ўса бошлайди, +18,+20⁰С энг қулай шароит хисобланиб ниҳоллар -3,-5⁰С гача совуққа дош беради. Қулай шароитда 5-7 кунда униб чиқади, у 2..25 см чуқурликда 18...20 кг/га меъёр билан экилади. Бедадан юқори хосил олиш учун 1 йил 120...150 кг/га фосфор, 60...75 кг/га калий, кейинги йиллар эса, 100-125 кг/га фосфор 65...75 кг/га калий солинади.

Суғориш, тупроқ иқлим шароитига боғлиқ бўлиб, беда илдиз 10...12 см бўлганда 1000...1200 м³/га кейинги йилларда бир ўрим ва икки ўрим 1000...1200 м³/га меъёрда суғориш мумкин.

Агар беда бир майдонда сурункасига 3 йил экилса тупроқда 60-70 м гўнг таркибида тўпланади.

Бедапоя ўрнига экилган пахта хосили сурункасига экилган ғўза экилган ердаги пахта хосилига нисбатан 50...100% бир хўжаликда тўғри технология билан етиштириш яхши натижалар беради. Қўшилиб экиш ва қоплама қилиб экишда уруғ меъёрлари қуйидагичадир: силосбоп маккажўхори экинлари 60...90 арпа 60...80, буғдой 80..90, сўли 35-40, жавдарни кузда экиб баҳорда пичан қилиб йиғиштирилганда 80-100 кг/га бўлади.

Дон ёки сулидан ўт уруғлари дон ўт сеялқалари бир йўла 4...5 см чуқурликда экилади.

Бедани маккажўхори билан, экилганда беда, дон, ўт, сеялкасида кўндаланг қилиб маккажўхори участкани нишоблиги бўйича чигит ёки маккажўхори сеялкасида экилиб, бир йўла суғориш эгатлари олиб кетилади. Уруғлик учун 5..6 кг/га меъёр билан қаторлаб экилиб, баҳорда қатор оралари юмшатилади, суғориш учун эгат очилади, культивация қилинади, озиклантириш учун эгат очилади.

Уруғлик учун иккинчи ўрим беда қолдирилади. Дуккаклиларни 75% кўнғир тусга кирганда уруғлик беда ўргичларда ўрилиб, қуритилиб дон комбайнида янчилади ва элетромагнит дон тозалаш машинасида тозаланади. Маккажўхори СУГМ-8, СПЧ-6, СТХ-4, СЧХ-4, СКГН-4, СХУ-4 дон, ўт, беда уруғлари СЗР-3,6, пиёз уруғи эса СО-4,2 каби сеялкаларда экилади. Экиш усуллари кўпчилик ҳолларда қаторлабдир.

СЗУ-3,6 дон, ўт, ўғит экиш сеялкаси бўлиб, у «Белорусия»тракторининг ҳамма модификацияларига тиркаб ишлатилади. Сеялкаларда уруғ солиш кутиси у ўғит кутисидан ўртада девор билан ажратилган. Дон экиш аппаратлари сеялка филдираги орқали ҳаракатга келтириб, қутидаги донли экин уруғини уруғ ўтказгичга ўтказди.

Сеялкада икки қатор қилиб 24 дона дискали кўринувчи сошниклар жойлаштирилган, улар қатор орасини 15 см қилиб ва уруғ ўтказгичдаги уруғга ўз оғирлиги билан тушади.

Сеялкани орқадаги рама брусига майда ўт уруғлари экиш учун кути экиш аппарати ва қилсимон сошниклар ўрнатилган.

Қилсимон сошниклар 2 та дискли сошниклар ҳосил қилган из ўртасига жойлаштирилган бўлиб, у из ҳосил қилиш давомида донларни тупроқ билан кўмади ва 1...2,5 см чуқурликда майда уруғликлар учун из ҳосил қилади.

Бу изга тушган уруғларқисман тупроқ билан кўмилади ёки занжирлар орқали ҳам тупроқ билан кўмилиши мумкин.

Маккажўхори экиш учун эса маккажўхори сеялкалари СКН-5,6, СУМН-6, СПЧ-6, бунинг хўжалик шароитида эса диски экиш аппарати бўлган СХУ-4-II-вариантдаги чигит сеялкасидан фойдаланилади. Бу сеялкани умумий тузилиши:рама, уруғ банкиси, диски экиш аппарати, уя хосил қилувчи аппарат, юритма, таянч ғилдираклар, сошниклар автоматик назорат қилиш, қурилмаси ва уруғ устига тупроқ тортиб ва зичлаб кетувчи ишчи қисмлардан иборат.

СХУ-4-II сеялкасини қисқа техник таърифи

Жадвал №1

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	СКУ-4-II
1.	Иш унуми: қатор ораси 60 см	га/соат	1,67
	қатор ораси 90 см	га/соат	2,73
2.	Иш тезлиги:	Км/соат	10гача
	қатор ораси 70 см	м	2,8
3.	Иш кенглиги: қатор ораси 60см	м	2,4
	қатор ораси 90см	м	3,6
4.	Массаси	кг	735±26
5.	Уялар ораси	см	3,5,7,10,15,20
6.	Уялар ўртача тезлиги.	см	7
7.	Иш чуқурлиги	см	3...8
	Узунлиги	м	1875
8.	Габарит ўлчамлари: кенглиги	м	3465
	баландлиги	м	2650
9.	Уруғ банклар ҳажми.	дм ³	72
10.	Хизматчилар сони.	дона	1
11.	Бурилиш радиуси	м	6
12.	Шина размери		(150-406)
13.	Шина ҳаво босими	Па(кг/см ²)	(14)
14.	Талаб қилувчи қувват	Квн.	27,3

Чигит сеялкасини маккажўхори экишга мослаштиришда куйидаги жадвалдан фойдаланилади.

СХУ-4-II сеялкасида маккажўхори экишда экиш дискни танлаш учун жадвал.

Жадвал№2

Диск маркаси	Диск қалинлиги	Ячейка сони дона	Ячейка чуқурлиги	Ячейка узунлиги	Маккажўхорифракцияси размери, мм.		
СХУ-16.001			8	16	БП $\frac{1}{6}$	9,0-10,5	3,75-5,6
					БК $\frac{6}{6}$	8,0-10,5	5,25-7,0
СХУ-16,001	5	24			СП $\frac{2a}{6}$	8,0-9,0	3,75-5,25
			8	14	сп $\frac{6}{6}$	6,5-8,0	4,75-7,0
СХУ-16,003			7	12	ПМ $\frac{4}{6}$	6,5-7,0	3,75-4,75

Харакат узатиш схемаси эса жадвалдан фойдаланиб созланади.

Маккажўхори экиш учун СХУ-4-II сеялкасини харакат узатилишини созлаш учун жадвал.

Уялар ораси	Узатма		Парракли диск Параги сони	Уядаги уруғ сони	Ячейкалар сони
	А	В			
10	F=12	Г=12	6	1	
10	F=18	F=12	4	1-2	
15	F=12	F=18	6	1	
15	F=12	F=12	4	1-2	24
20	F=12	F=12	3	2	
20	F=14	F=18	4	1-2	
25	F=14	F=18	3	2	
30	F=12	F=18	3	2	

Сеялкани технологик схемаси қуйидагича: сеялка ғилдираги орқали валлар айлантириб у редуктор орқали ячейкали экиш дискининг кардан вал билан айлантирилади.

Уруғ банкларидаги уруғ диск катакчаларига жойлашиб, ортиқчаси эса орқага қайтарилади. Бир донадан катакчага жойлашган уруғ диск билан айланиб оралик корпусидаги экиш дарчаси тўғрисига келганда уя ҳосил қилувчи аппарат корпусига тушади.

Бу жойда уя ҳосил қилувчи парракли вал уруғларни тўдалаб сонини очган эгатчага ташлайди.

Загорточлар бунинг устига тупроқ тортиб, прикатга эса тупроқни зичлайди.

Уруғ экиш билан биргаликда гербицид ҳам сепиш мумкин.

2.1. Сеялкаларга қўйиладиган агротехника талаблари.

Дон, сабзавот, полиз экинлари, толали экинлар уруғини қаторлаб, уялаб, лентасимон, пунктирлар экувчи машиналар сеялка деб аталади. Экиш технологик жараёни асосий икки ишдан: таъминлаш сиғими (яшиқ,

банка)даги уруғларни сошникларга бир меъёрда узатиш ва эгат очиб, унга уруғларни бир хил чуқурликда кўмишдан иборат. Уруғ экиш учун сеялкаларга қуйидаги агротехника талаблари қўйилади.

Уруғлар ҳар гектарга белгиланган нормада экилиши, далага бир текис тақсимланиши, бир хил чуқурликда кўмилиши лозим. Экилган уруғлар миқдори нормада кўрсатилгандан кўпи билан 3% фарқ қилиши мумкин. Сеялкадаги аппаратлар уруғларни бир хил миқдорда экиши, уруғ миқдоринингўртача фарқи донли экинлар учун 3%, дуккакли экинлар учун 4% гача бўлишига рухсат этилади. Қатор ораларининг кенглигидаги фарқ: асосий қатор оралар учун ± 1 см, ёнма-ён ишловчи сеялкаларнинг четки сошниклари ҳосил қилган қатор оралар учун ± 2 см, бориб – қайтишда ҳосил бўлган (ёндош) қатор оралар учун эса ± 5 см дан ошмаслиги лозим. Уруғларни кўмиш чуқурлиги топшириқда кўрсатилган $\pm 15\%$ дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак. Агрегатнинг дала этақларида қайрилиш жойларига ҳам уруғлар экилиши лозим. Доналаб аниқ экилган уруғлар бир-биридан бир хил масофада жойланиши ва бундай жойлашган уруғлар камида 80%ни ташкил этиши зарур. Ерга ташланмай қолган уруғлар (уялар) сони экилган уруғлар миқдорининг 2% дан ошмаслиги керак.

Чигит экишга қўйиладиган агротехника талаблари чигитларни сифатли экишга, уларни эрта ва текис ундириб олишга, нихолларнинг яхши ривожланишига, топшириқдаги қалинлигини таъминлашга, экинларга ишлов беришни тўла механизациялаштиришга, терим машиналарининг ишлашига қулай шароитлар яратишга ҳамда пахтадан юқори ҳосил олишга қаратилган.

Қаторлаб экишда чигитлар қаторда бир текис тақсимланиши, хусусан, тукли чигитлар ҳар 1...1,5 см, туксизлантирилган чигитлар эса ҳар 2см ораликда 1 дондан жойлашиши керак, ҳар гектар майдонга экилган чигитлар миқдори топшириқдаги нормадан 10% дан ортиқ фарқ қилмаслиги лозим. Экин қаторлари тўғри бўлиши, экилмай қолган жойлар бўлмаслиги, қайта экишни ёки қўлда қўшимча чигит қадаб чиқишни талабэтмаслиги зарур.

Тукли чигитларни серуялаб экишда уялардаги уруғлар сони топширикдагидан ± 2 дона фарқ қилиши мумкин, лекин камида 55% аниқлик билан экилиши лозим; туксизлантирилган чигитларни сеуялаб (қатордаги уялар орасини 15...30 см қилиб) экишда ҳар қайси уядаги чигитлар сони топширикда кўрсатилганидан ± 1 дона фарқ қилиши мумкин, лекин ана шундай фарқ қиладиган уялар сони 35...40% дан ошмаслиги керак. Қолган 60...65% уяларга чигитлар белгиланган миқдорда аниқ экилиши талаб этилади. Қатордаги уялар ораси бир-биридан 2...3 см дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак.

Чигитни экиш чуқурлиги 3...8 см атрофида ростланадиган бўлиши лозим. Экиш чуқурлиги 3-4 см, 4-5 см ва 6-8 см бўлганда туксизлантирилган чигитлар учун ўртача кўмиш чуқурлигининг тегишлича $\pm 0,5$ см, $\pm 0,7$ см ва ± 1 см, тукли чигитлар учун эса $\pm 0,7$ см; $\pm 1,0$ см ва $\pm 1,5$ см фарқ қилишича йўл кўйилади. Чигит экиш вақтида биттадан қатор ташлаб, эгат олиниши лозим. Бу эгатлар чигитни ундириб олишда суғориш учун 8...12 см чуқурликда очилади.

2.2. Уруғлик чигитларнинг физик-механик хусусиятлари

Уруғларнинг физик-механик хусусиятларига намлиги, абсолют массаси, алоҳида уруғ зичлиги, тўкиб кўйилган уруғлар зичлиги, шакли ва ўлчамлари, ишқаланиш коэффиценти, қаттиқлиги (мустаҳкамлиги), эластиклиги (тикланиш коэффиценти) киради. Тукли чигитлар, булардан ташқари зичлашиб қолиш хусусияти билан ҳам характерланади.

Уруғларнинг намлиги уларнинг таркибидаги намнинг фоиз ҳисобидаги миқдорини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\omega = 100[(M_1 + m_1) - (M_2 + m_2)]/m_1 ,$$

Бу ерда M_1 ва M_2 –намуна солинадиган бюксанинг қопқоғи билан бирга қуритишдан олдинги ва кейинги массаси;

m_1 ва m_2 – уруғлар намунасининг қуритишдан олдинги ва кейинги массаси.

Уруғларнинг абсолют массаси абсолют қуруқ ҳолатга келтирилган 1000 дона чигит массасига тенг:

$$M_a = M(1 - \omega 10^{-2}),$$

Бунда M - текшириш учун тўдадан олинган 1000 дона уруғ массаси.

Уруғларнинг абсолют массаси уларнинг йириклигини, озиқ моддалар билан тўйинганлигини ва етилганлигини ифолайди. Абсолют масса қанча катта бўлса, ўсимлик ниҳоллари шунча кучли ва текис униб чиқади. Уғўзаинг нави ва ўсиш шароитларига, бир ғўза тунида кўсакларнинг жойлашишига, кўсакдаги чигитнинг ўрнашган жойига қараб кенг миқёсда ўзгаради. Ўртача толали совет ғўза навлари учун чигитларнинг абсолют массаси асосан 105...125 г, ингичка толалилари учун эса 120...150 г. Донларнинг абсолют массаси 20...42г, маккажўхориники 150...200 г, нўхотники 100...200 г, тариқники эса 7...9 г.

Уруғ зичлиги массанинг ҳажмига нисбати билан аниқланади. Донли экинлар уруғнинг зичлиги 1,0 дан (сули)1,4 г/см³ (нўхат)гача бўлади. Туксизлантирилган чигитлар зичлиги $\rho_c = 0,85 \dots 1,12$ г/см³, зичлиги 1,0г/см³ дан катта бўлган чигитлар 82...95% ни ташкил этади. Қуруқ тукли чигитлар учун $\rho_c = 0,85 \dots 0,96$ г/см³. Уруғ зичлиги унинг намлигига, эндосперма таркибидаги ҳаво миқдорига ва уруғнинг химиявий таркибига боғлиқ. Уруғ қанча зич бўлса, шунча кўп унувчан бўлади.

Уруғларнинг ҳажмий массаси (зичлиги) ёки сиғимга эркин жойлашган уруғлар зичлиги уруғ абсолют массасининг сиғим ҳажмига нисбати билан аниқланади. Уруғлар ҳажмий массаси сули

учун 400...565 г/л, кузги бугдой учун 750...880 г/л, маккажўхори учун 700...865 г/л ёки кг/м³. Идишга эркин жойланган тукли курук чигитлар зичлиги 280...320 кг/м³, туксизлантирилган курук чигитлар зичлиги эса 580...620 кг/м³.

Уруғларшакли ва ўлчамлари уларнинг турли дарчалардан тўқилиш жараёнига, экиш ғалтаклари ва катакчали дисклар параметрига таъсир этади. Уруғлар эллипсоид, шарсимон, пирамидали, тухумсимон (чигит) ва бошқа шаклларда бўлади. Кўпчилик уруғларнинг ўлчамлари $D > Ш > Т$ (узунлиги > эни > қалинлиги), чигит учун $0,5 D_{\max} = Ш_{\max} = Т_{\max}$ бўлади.

2.3. Экиш машиналарининг уруғ яшиклари ва банкалари

Экиш машиналарининг яшик ва банкалари уруғлик материални сақлаш учун сиғим вазифасини бажаради, уруғларнинг махсус дарчалар орқали бир меъёрда ташқарига оқиб чиқиб, экиш аппаратларининг нормал иш жараёнини таъминлайди.

Яшик ва банка деворларининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги ϕ' уруғларнинг ёғич ва металга ишқаланиш бурчагидан деярли икки ҳисса катта олинади.

Яшик ва банкаларнинг иш ҳажми (м³) сеялканнинг дала бошига бир марта бориб-қайтишига етарли уруғ сиғадиган бўлиши зарур:

$$V_{и} = b z_r L N / (10' p_{и} \eta),$$

Бу ерда b - қатор ораларининг кенглиги, м; z_r - бир яшик ёки банкадан уруғ билан таъминланувчи экиш аппаратлари (ғалтаклари) сони; L - даланинг охирига бориб-қайтиш йўли, катта далаларда эса пайкал бўйи, м; N - энг катта экиш нормаси, кг/га;

$p_{и}$ - уруғлар натураси энг кичик қиймати, кг/м³; η - яшик ёки банка ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти: Яшик учун $\eta = 0,9$; банкалар учун $\eta = 0,85$.

2.4. Ғалтакли экиш аппаратлари

Сеялкаларнинг экиш аппаратлари яшикнинг тубидаги дарчадан тушаётган уруғларнинг шикастланмасдан ва талаб этилган миқдорда махсус трубка (уруғ ўтказгич)га ташлаши лозим. Аппарат ёрдамида вақт бирлигида узатиладиган уруғлар миқдори (экиш нормаси) яшикларнинг уруғ билан тўлатилганлик даражасига, сеялканинг нишаб туришига ва ҳаракат тезлигига боғлиқ бўлмаслиги керак. Экиш аппаратлари экиш нормасини ростлашга қулай ва универсал бўлиши лозим.

Ғалтакли аппаратлар вазифасига кўра турлича тузилади. Дон сеялкаларининг экиш аппарати чўян қути ва унинг ичида валда айланувчи ғалтакдан, чигит сеялкаларида эса банканинг тубида жойлашган тўзиткич ҳамда дарчаларга пастдан киргизилган ғалтакдан иборат.

Дон сеялкаларида нов-ғалтакли ва штиф-ғалтакли аппаратлар ишлатилади. Қамраш кенглиги 3,6м ли СЗ-3,6 дон сеялкасидаги қатор оралари 15 см қилиб экилганидан яшик тубига 24 та экиш аппарати ўрнатилади. Барча аппаратларни бир хил ростлаш учун уларнинг ғалтаклари умумий валга маҳкамланган ва экиш нормасини ростлашда вал билан бирга зарур томонга сурилади.

Банкаларнинг пастки цилиндрик қисмида тўзиткич вазифасини бажарувчи бармоқли диск ўрнатилади. Шунинг учун цилиндр диаметри тўзиткичнинг диаметри d_2 ва диск бармоқдари билан цилиндр орасида чигитларнинг шикастланмаслиги учун қолдириладиган зазор Δ'' катталигига боғлиқ:

$$d_{\text{ц}} = d_2 + \Delta'' .$$

чигитларнинг сиқилмаслиги учун зазор Δ'' чигитнинг энг катта узунлиги D_{max} га ёки икки кенглиги $2Ш_{\text{max}}$ га тенг ёки улардан катта бўлиши лозим:

$$D_{\text{max}} \leq \Delta'' \geq 2Ш_{\text{max}} .$$

СХУ сеялкасининг банкасида $c=474$ мм, $d_{ц}=256+2,0$ мм, $h_1=55$ мм, $h_2=345$ мм, $h_3=20$ мм (бу ўлчам кичик ҳамда чигит ғалтак сиртидан узоқлашган сари камайиб, с масофада нолга тенглашади). Экиш нормасини ростлаш учун вал 5 махсус ричаг ёрдамида силжитилади. Шунда аппаратларнинг ғалтаклари ҳам силжиб, уларнинг бир қисми ташқарига чиқади. Қутининг бўшаган қисми эса ғалтак билан бирга силжиган муфта 2 эгаллайди.

Нов-ғалтакли экиш аппаратининг иш ҳажмини аниқлаш.

Новли ғалтак бир марта айланганда аппаратдан экилган ҳажми *экиш аппаратининг иш ҳажми* дейилади. Иш ҳажми V_a ғалтак новларини тўлдирган уруғлар ҳажми V_n ва бир марта айланганда актив қатлам оқими билан чиққан уруғлар ҳажми $V_{ак}$ йиғиндисига тенг:

$$V_a = V_n + V_{ак}$$

Новларни тўлдирган уруғлар ҳажми

$$V_n = f_n z_n l_p \alpha,$$

Бу ерда f_n – бир навнинг кўндаланг кесим юзи; z_n – ғалтак новларининг сони, $z_n=8...12$; l_p – ғалтак узунлиги; α – новларнинг ҳажмидан фойдаланиш коэффициентини. Майда уруғлар учун $\alpha=0,9$, йирик уруғлар учун эса $\alpha=0,7$.

Уруғларнинг актив қатламда ҳаракат тезлиги v_x х масофага боғлиқ бўлиб, $v_x=f(x)$ функцияси бўйича тўғри чизикли ўзгаради десак, қуйидаги нисбатни ёзишимиз мумкин:

$$v_x / v_p = (v - x) / c,$$

бундан:

$$v_x = v_p \left(1 - \frac{x}{c} \right),$$

Бу ерда v_x – актив қатламнинг х масофасидаги тезлиги; v_p – ғалтак тезлиги,

$v_p = \pi d n_F$; n_F -Ғалтакнинг айланиш частотаси.

(12.6) ифода умумий ҳолда даражали қилиб ёзилади:

$$v_x = v_F \left(1 - \frac{x}{c}\right)$$

Бу ерда m – даража кўрсаткичи, тажриба йўли билан аниқланади.

Ғалла учун $m=2,6$.

Актив қатламдаги уруғларнинг ҳаракат тезлиги траектория парабolik қонун бўйича ўзгаради (-расм). Актив қатламнинг ўртача тезлигини аниқлаш учун v_x ни 0 дан c гача интеграллаймиз:

$$v_x = \frac{v_F}{c} \int_0^c \left(1 - \frac{x}{c}\right) dx = \frac{v_F}{m+1}$$

Экиш аппаратининг иш ҳажмини амалий ҳисоблашда актив қатлам ғалтак тезлигида силжийди деб қабул қилинади, унинг ҳақиқий қалинлиги c эса “келтирилган” қалинлик c_k билан алмаштирилади.

Шунинг учун

$$v_x c = v_p c_k,$$

Ёки

$$c_k = \frac{c}{m+1} ?$$

бу ҳолда актив қатламнинг ғалтак атрофида ҳаракатланувчи қалинлиги c_k га тенг ҳалқасимон оқим деб қаралади. Ғалтак бир марта айланганда актив қатламдан экилган уруғлар ҳажми ички диаметри d , ташқи диаметри $(d+2c_k)$ ва узунлиги L_p га тенг найча ҳажми каби аниқланади:

$$V_{ак} = \pi L_F [(d+2c_k)^2 - d^2] / 4 = \pi L_F c_k (d+c_k).$$

V_n ва $V_{ак}$ қийматларининг формулага қўйиб чиқамиз

$$V_a = L_F [f_n + \pi c_k (d+c_k)].$$

Узунлигига, новлар сонига ва кўндаланг кесим юзига, шунингдек уруғларнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ.

Новли ғалтак узунлигини аниқлаш. Ғалтак параметрларини аниқлашда икки хил: экиш аппаратининг ҳисобланган *конструктив иш унумини ва талаб иш унуми* тушунчаларидан фойдаланилади.

Экиш аппаратининг конструктив иш унуми аппаратининг иш ҳажми V_a га, ғалтакнинг айланиш частотаси n_F га боғлиқ;

$$Q_k = V_a \rho_n n_F (1 - \varepsilon),$$

Бу ерда ρ_n – уруғлар натураси, $г/см^3$; ε - аппаратларга ҳаракат узатувчи сеялка ғилдирагининг сирпаниш коэффиценти, $\varepsilon=0,1$.

Амалий ҳисоб учун экиш аппаратининг иш ҳажмини қуйидагича ёзамиз:

$$V_a = l_F (f'_n + f_{ак}),$$

Бу ерда f'_n – ғалтакдаги барча новлар кўндаланг кесими юзаси, $d=51$ мм учун $f'=5,8$ $см^2$; $f_{ак}$ – уруғлар актив қатламининг ҳалқасимон кесими юзаси. Ғалтакли аппаратларда дон экишда $f_{ак}=0,7 f'_n$ қабул қилинади. Бу ҳолда (12.10) ифодани қуйидагича ёзиш мумкин (кг/с):

$$Q_k = 1,7 l_F \rho_n n_F f'_n (1 - \varepsilon),$$

Экиш аппаратининг талаб этилган иш унуми Q_T уруғ экиш нормаси N (кг/га), қатор ораларининг кенглиги b (м), сеялка ғилдирагининг диаметри D (м) ва айланиш частотаси n ($с^{-1}$)га боғлиқ. Далага агротехника талаб этилган нормада уруғ экиш учун аппаратнинг талаб этиладиган иш унуми қуйидагича бўлади (г/с):

$$Q_T = 10^{-1} N b \pi D n.$$

Экиш жараёнининг нормал бажарилиши учун аппаратнинг конструктив ва талаб этилган иш унумлари ўзаро тенг бўлиши лозим.

Ғалтакнинг узунлигини топамиз:

$$L_F = 10^{-1} N b \pi D / [1,7 \rho_n i f'_n (1 - \varepsilon)],$$

Бу ерда $i=n_r/n$ - ғилдиракдан ғалтакка айланма ҳаракат узатиш сони, $i=0,1,2\dots 1,6$

Бу формулага асосланиб шуни қайд этиш мумкинки, экиш аппаратининг иш унуми ёки сеялканинг экиш нормаси ғалтак узунлиги ва ҳаракат узатиш нисбатини ўзгартириб ростланади.

2.5. Тукли чигит экиш аппаратлари

Тукли чигитлар тиш-ғалтакли аппаратлар ёрдамида экилади. Тишли ғалтаклар сонига қараб, бир ва икки ғалтакли экиш аппаратлари бўлади. СТХ ва СЧХ типидаги сеялкаларда қатор ораларининг кенглигини 60 см қилиб экишда икки ғалтакли, 90 см қилиб экишда эса бир ғалтакли аппаратлар ишлатилади.

Икки ғалтакли аппаратлар ғалтакларнинг чигитлар билан таъминланиш усулига қараб *қаршидан ва йўлакай таъминланувчи, фақат йўлакай ёки фақат қаршидан таъминланувчи хилларга* бўлинади. Конструкцияси мураккаб тузилганидан фақат қаршилан ва фақат йўлакай таъминланувчи икки ғалтакли экиш аппаратлари амалда жорий этмади. Ҳозир ғалтакларнинг бири қаршидан, иккинчиси эса йўлакай таъминланувчи экиш аппаратлари ишлатилади.

Расм бор

Экиш дарчасидан ташқарига чиқарилган чигитлар воронка 20 га тушади, сўнг уруғ ўтказгич (трубка) орқали сошникка йўналган ишқаланиш кучи F таъсир этади. Чигитнинг сиқилмаслиги учун $P > F$ бўлиши керак. Схемадан $P = N \sin \alpha$ $F = N \cos \alpha \tan \varphi$, бунда N – сиқиш кучи; φ - ишқаланиш бурчаги; α - N кучнинг йўналиши билан чигитнинг бармоққа ёки торец деворига урилиб нуқтасидан ўтган перпендикуляр орасидаги бурчак. P ва F кучларнинг қийматини биргаликда ечсак, чигитларнинг сиқилмаслик шатри $\alpha \geq \varphi$ бўлади. Амалда $\alpha < \varphi$ бўлиши, яъни аппарат ишлаганда чигитларнинг

сиқилмаслик шарти бажарилмай қолиши мумкин. Шунинг учун Δ_2 нинг қиймати қуйидаги шартдан аниқланади:

$$h_1 + 2Ш_{\max} < h_2 \leq h_1 + 3T_{\min} \quad \text{ёки} \quad h_2 \geq h_1 + D_{\max},$$

бунда T_{\min} ва $Ш_{\max}$ – чигитнинг энг кичик қалинлиги ва энг катта эни;

D_{\max} – чигитнинг энг катта узунлиги.

Торец зазор қуйидаги шартдан аниқланади:

$$Ш_{\max} \leq \Delta_2 \leq 2 T_{\min}.$$

Расм бор

Экиш дарчасининг кенглиги x (1-расмга қаранг):

$$x = b_k + 2\Delta',$$

бунда b_k - экиш ғалтаги (тишли диск)нинг қалинлиги; Δ' - ғалтак билан дарчанинг ён девори орасидаги зазор. $\Delta' = 1 \dots 2$ мм.

Экиш дарчасининг узунлиги l (расмга қаранг) торец зазорлар Δ_1 ва Δ_2 ни алоҳида ҳисобга олиб топилади:

$$l = \sqrt{2r(\Delta_1 + h) + \Delta_1^2 - h^2} + \sqrt{2r(\Delta_2 + h) + \Delta_2^2 - h^2}.$$

Ғалтак тишларининг аппарат туби l нинг иш сиртида баландлиги:

$$h_1 \leq r (\cos\beta);$$

бунда β – чиғитларнинг ғалтак тишлари орасидан тушиши учун ғалтакнинг вертикал ўққа нисбатан бурилиш бурчаги; r – ғалтакнинг ташқи радиуси; h – ғалтак тишларининг дарча фаскасидан баландлиги.

Чигитнинг ғалтак тишидан тушиш шарти. Ғалтак вертикал ўққа нисбатан β бурчакка бурилгандан кейин унинг тишларидаги чигитлар четга марказдан қочирма куч таъсирида ташланади (- расм). Тушириш бурчаги β нинг қийматини аниқлаш учун чигитга таъсир этувчи кучларни кўриб чиқамиз. Чигитга оғирлик кучи G ,

марказдан қочирма куч C , нормал реакуция N ишқаланиш кучи F таъсир этади. Бу кучларнинг қиймати:

$$G=mg; \quad C=mR\omega^2 \quad F=Ntg\varphi ;$$

Бунда m - чигит массаси; g - эркин тушиш тезланиши; R - чигитнинг оғирлик марказидан ғалтакнинг ўқиғача бўлган масофа; ω - бурчак тезлик; φ – чигитнинг тишга ишқаланиш бурчаги.

Мувозанат ҳолатдаги чигитга таъсир этувчи барча кучларни тиш елкасига параллел ва перпендикуляр текисликларга проекциялаймиз:

$$N+mR \omega^2 \cos\gamma - mg\cos(\beta-\gamma)=0;$$

$$Ntg\varphi - mg\sin(\beta-\gamma) - m\omega^2 R\sin\gamma=0,$$

Бунда γ - радиуснинг йўналиши билан нормал реакция N нинг таъсир чизиғи орасидаги бурчак.

Тенгламаларни биргаликда ечсак, қуйидаги ифода ҳосил бўлади:

$$\beta=\varphi+ \gamma- \arcsin[R \cdot \sin(\alpha+\gamma)],$$

Бунда $R \omega^2 R/g$ – экиш ғалтаги иш режимининг кинематик кўрсаткичи.

Турли ғалтаклар учун $\gamma=45\dots 53^0$; $\omega=5,0\dots 12,6$ рад/с.

Бу ҳолда $\beta=40\dots 75^0$. β нинг қийматини (13.19) формулага қўйсак, $h_1 \leq 17$ мм бўлади. Ҳозирги сеялкаларда $h_1=6\dots 7$ мм, яъни экиш аппаратининг нормал иши таъминланган.

Туширгич. СКГ-1009 ғалтакларининг эни (тишли диск калинлиги) 16 мм бўлиб, уларнинг айлана кесигига пластинасимон туширгич 2 ўрнатилади. Тишлар орасига тикилган чигитлар ғалтак l β_T бурчакка бурилгандан кейн пластина билан тиш орасида қисилади.

Агар туртиб туширувчи куч N_T сиқувчи куч F_c дан катта бўлса, у ҳолда чигитлар тишлар орасидан шикастланмасдан тушади. Бунинг учун $N_T > F$ шarti бажарилиши лозим. Схемадан:

$$N_T = N_1 \sin \frac{\alpha}{2} + N_2 \sin \frac{\alpha}{2} ,$$

Бу ерда N_1 ва N_2 нормал реакциялар; α – сиқиш бурчаги. Ишқаланиш бурчаклари $\varphi_1 = \varphi_2$ бўлгани учун $F_1 = F_2$ ва $N_1 = N_2$.

$$\text{Чигитни туширувчи куч } N_T = N_1 \sin \frac{\alpha}{2};$$

$$\text{Чигитни сиқувчи куч } F_s = 2N_1 \operatorname{tg} \varphi_1 \cos \frac{\alpha}{2}.$$

Пластинанинг чигитга таъсир эта бошлаш бурчаги β_T чигитнинг марказдан қочирма куч таъсирида тушиш бурчаги β дан катта бўлиши керак.

3. ХИСОБЛАШ ТАШКИЛИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҚИСМИ.

Беда ва маккажўхорини силос учун етиштиришда экишгача бўлган ишлар учун технологик карта тузиш.

Қишлоқ хўжалигини асосий вазифаси деҳқончиликда ҳосилни ҳар тарафлама ошириш чорвачилик маҳсулдорлигини тобора кўпайтиришни амалга оширмақ учун барча қишлоқ хўжалик ишларини энг яхши муддатларда ва аъло сифатли қилиб бажарилиши керак.

Ишни ўз вақтида бажармаслик ёки паст сифатли қилиб бажариш, трактор ва қишлоқ хўжаликнинг бошқа машиналардан кам чиқим ва унумли фойдаланиш керак.

Трактор ишларини техникавий ташкилий қоидалари машина-трактор саройидан фойдаланиш соҳасидаги илмий текшириш ишлари асосида тузилади ва илғор тажрибалардан ҳам фойдаланилади.

Деҳқончиликда кетма-кет ишлов бериладиган материал тупроқ ва ўсимликдир, механизациялашган қишлоқ хўжалик ишлари қуйидагича ер ҳайдаш, бараналаш, культивация қилиш, экиш, ҳосилни йиғиб олиш ва хоказо.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни муваффақиятли яқунлаш учун технологик жараёнлар аъло сифатда бажарилиши керак, бунинг учун эса энг яхши тартиб бўлиши ва технологик жараёнларнинг сифати алоҳида аҳамиятга эгатири.

Технологик жараёнлардан кутилган асосий мақсад-парваришланаётган ўсимликнинг биологик ўсиш жараёни яъни, уруғдан униш, нормал ривожланиш, ҳосил туғиш ва етилиши учун ёрдам беради.

Технологик жараёнларни бажариш тартиби технологик карта деб аталадиган картага ёзилади. Ҳар бир экин турлари бўйича

технологик карта асосида хўжаликнинг иқлим шароитларини, мавжуд техникасини ҳисобга олган ҳолда технологик карта тузилади.

Бунда иш ҳажми, агрегат, состави, хизмат қилувчилар сони, агрегат иш унуми, давомилиги иш кунлар сони, ёнилғи мой сарфи ва ишнинг таннархи аниқланади.

Беда ва маккажўхори силос учун экишда куйидаги ишларни бажариш кўзда тутилади.

1. Ирригация шахобчаларинитозалаш.
2. Бегона ўтларни тароқлаш.
3. Ерни текислаш.
4. Ўғит тайёрлаш.
5. Ўғитни ташиш.
6. Ўғитни ер хайдашдан аввал солиш.
7. Ер хайдаш.
8. Ариқ ва марзаларни текислаш.
9. Бароналаш.
10. Мола қилиш.
11. Уруғни тайёрлаш ва ташиш.
12. Экиш.
13. Озиқлантириш.
14. Суғориш.
15. Культивациялаш.
16. Зараркурандаларга қарши кураш.
17. Хосилни йиғиштириш.

Ҳисоблашлар картани ташкил қилувчиларни кўрсаткичларини аниқлашни ягона методи бўйича бажарилди

Масалан:

Агрегатнинг бир сменалик ва бир соатликиш унумини аниқлаймиз.

(экиш агрегати учун)

СХУ-4 сеялкаси МТЗ-804 трактори

$$\omega_{\text{час}} = 0,1 \cdot B_p \cdot v_p \cdot \tau \quad \text{га/соат}$$

$$\omega_{\text{см}} = 0,1 \cdot B_p \cdot v_p \cdot \tau \cdot T \quad \text{га/соат}$$

Бу ерда: $B_p = 2,4$ м – агрегатнинг иш кенглиги, м

$v_p = 7,02$ км/соат – агрегатнинг иш тезлиги.

$\tau = 0,85$ – смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти

$T = 7$ соат- смена вақти

$$\omega_{\text{час}} = 0,1 \cdot 2,4 \cdot 7,02 \cdot 0,85 = 1,15 \quad \text{га/соат}$$

$$\omega_{\text{см}} = 0,1 \cdot 2,4 \cdot 7,02 \cdot 0,85 \cdot 7 = 11,45 \quad \text{га/соат}$$

Агрегат талаби.

$$\mu_{\text{агр}} = \frac{\Omega}{9,5} = \frac{95}{9,5} = 10 \text{ дона.}$$

Ω - 95 га – иш ҳажми.

Агрегатнинг календарь муддатдаги бажарган иши.

$\omega = D_p \cdot T_{\text{см}} \cdot \omega_{\text{час}}$ гектар.

Бу ерда $D_p = 10$ кун бўлса календарь иш кунлар сони.

$\omega = 10 \cdot 9,5 = 95$ гектар

ёнилғи мойлаш сарфи.

$$Q = \frac{G_{\text{рр}} \cdot T_{\text{р}} + G_{\text{тх}} \cdot T_{\text{тх}} + G_{\text{то}} \cdot T_{\text{то}}}{\omega_{\text{см}}}$$

Бу ерда $G_{\text{тр}}$ - иш режасида ёнилғи сарфи кг/соат

$T_{\text{р}}$ - соф иш вақти, соат

$G_{\text{тх}}$ - салт юриш ҳолатидаги ёнилғи сарфи кг/соат

$T_{\text{тх}}$ – салт юриш вақти, соат

$G_{\text{то}}$ - тўхтаб турган ҳолатдаги ёнилғи сарфи, кг/соат

$T_{\text{то}}$ – тўхтаб туриш вақти соат (двигател ишлаб турганда) МТЗ-80Х
учун

$G_{\text{тр}} = (6,5 - 11)$ кг/соат.

$G_{\text{тх}} = 4 - 6,5$ кг/соат.

$G_{\text{то}} = 1,0$ кг/соат.

$$T_{\text{тх}}=0,14 \text{ соат}$$

$$T_{\text{р}}=6,65 \text{ соат}$$

$$T_{\text{о}}=0,21 \text{ соат}$$

$$Q = \frac{7 \cdot 6.15 + 45 \cdot 0.04 + 1 \cdot 0.21}{9.5} = 5.01 \text{ кг/га}$$

Мехнат сарфи куйидагича аниқланади.

$$H_{\text{о}} = \frac{m}{\omega_{\text{г}}} = \frac{\text{киши} \cdot \text{соат}}{\text{га}}$$

Бу ерда m –агрегатда ишловчилар сони.

4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ.

4.1. Мослаштирилган сеялка билан майда уруғли экинлар

экиш технологияси

Бунинг учун хўжаликдаги мавжуд СХУ-4-II маркали, сеялкани танлаб оламиз.

Агар маккажўхори ўзини экадиган бўлсак, бу сеялкани ҳеч конструктив ўзгаришсиз ишлатиш мумкин.

Бу ҳолда экиш диски танланади ва шунга мос равишда ҳаракат узатиш танлаб олинади.

Экиш схемасини $v=70,60,90$ см ораликда ўтказиш мумкин.

Маккажўхорини силос учун беда билан экадиган бўлсак, (1-усул) экиш схемасини қуйидагича танлаймиз.

Бунда қатор ораси 60 см маккажўхори уруғи 5-8 см чуқурликда экилиб, унинг усти ёпилгандан сўнг беда уруғи 1...2 см чуқурликда экилади ва тароқ билан таралади.

Суғориш эгатлари очилгандан сўнг эгатларни ён томонларига ҳам беда уруғи сочилиб кетади.

Беда 20 см кенглигида ер бетига сочилади. (2 усулда) уруғлик беда уруғи, қилсимон сошниклар билан маккажўхорини икки ёнига экилади, бу усулда эгат кенглиги 60 см, маккажўхори уруғи жойлашган эгатдан беда уруғи 10 см узоқликда жойлаштрилади.

